

Ислом тараққиёт банки Покистондаги сув тошқинларини бартараф этишга тайёр эканини билдирди



11:00 / 05.09.2022 981

Ислом тараққиёт банки гуруҳи Покистон ҳукуматининг мамлакатдаги вайронкор сув тошқинларини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Покистонда бир неча ҳафта давомида тўхтамай ёққан муссон ёмғирлари натижасида ҳамма ёқни сув босган. Шимолий тоғлардаги музликларнинг эриши тошқинларни келтириб чиқарди. Оқибатда мамлакатда тахминан 1191 киши, жумладан 399 боланинг ўлимига сабаб бўлди.

Покистон аъзоси бўлган гуруҳ Покистон ҳукумати ва ёрдам агентликларини жабрланганларга ёрдам бериш ва зарур инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирмоқда.